

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ
БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
(PhD).05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВ ХАМЗА КАМАЛОВИЧ

**КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН МАЙДА БАРГЛИ ЖЎКА (*Tilia cordata Mill.*) ВА ОҚ ҚАЙИН (*Betula pendula Roth.*) КЎЧАТЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромилиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Юлдашев Хамза Камалович

Кўкаламзорлаштириш учун майда баргли жўка (*Tilia cordata Mill.*) ва оқ қайин (*Betula pendula Roth.*) кўчатларини етиштиришни жадаллаштириш
технологияси3

Юлдашев Хамза Камалович

Интенсивная технология выращивания посадочного материала липы
мелколистной (*Tilia cordata Mill.*) и березы повислой (*Betula pendula Roth.*)
для озеленения.....21

Yuldashev Khamza Kamalovich

Intensive technology of growing of planting material of lipa of
milk (*Tilia cordata Mill.*) and birch (*Betula pendula Roth.*) for gardening.....39

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ
БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
(PhD).05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВ ХАМЗА КАМАЛОВИЧ

**КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН МАЙДА БАРГЛИ ЖЎКА (*Tilia cordata Mill.*) ВА ОҚ ҚАЙИН (*Betula pendula Roth.*) КЎЧАТЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромилиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx337 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.andqhai.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кожаметов Советбек Кожаметович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сирожиддинов Беҳзод Арабджонович
биология фанлари доктори, доцент

Толинов Хожимурод Миразимович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «2» 12 2022 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси 1-уй. АҚХАЙ. Тел.: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; e-mail: agai_info@edu.uz. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 6086 рақами билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 170600, Андижон вилояти Андижон тумани, Куйган ёр ш.ф.й., Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. АҚХАЙ. Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99874) 373-10-54).


Диссертация автореферати 2022 йил «16» 11 да тарқатилди.

(2022 йил «16» 11 даги 28 рақамли реестр баённомаси)




А.Нсашов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор


Ғ.Д.Раҳматуллаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д.


К.С.Комилов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг турли мамлакатларида кўкаламзорлаштириш учун мақбуллашган технология қўллаган ҳолда кўчатзорларда ўрмон ва манзарали дарахтларини кўчатлари етиштирилади. “Ҳозирги кунда дунё бўйича ўрмон эгаллаган майдон 4,06 млрд. гектарни, яъни Ер юзининг 31% ташкил этади. Жумладан, Европага 25%, Жанубий Америкага 21%, Шимолий ва Марказий Америкага 19%, Осиёга 16%, Океанияга 5% улуш тўғри келади”¹. Америка, Германия, Италия, Бельгия, Хитой каби давлатлар манзарали дарахт кўчатларини экспорт қилиш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. “АҚШнинг ўрмон кўчатхоналарида йилига 1,5 миллиард дона кўчат етиштирилади, шундан 55% йирик кўчатзорларда, 22% хусусий кўчатхоналарда, 23% давлат эса давлат кўчатхоналарида етиштирилади. Шулардан 70% ни ташкил этувчи ёпиқ илдиз тизимли кўчатлар билан билан бирга очик шароитда ҳам кўчатлар етиштирилади. Литвадаги ўрмон кўчатхоналарининг умумий майдони 1200 гектардан ортиқ бўлиб, у ерда 130 миллион ниҳол ва кўчатлар етиштирилади. Польшадаги ўрмон кўчатзорларининг умумий майдони 2,2 минг гектарни ташкил этади. Финляндияда кўчатларни ўтказиш ишларида деярли бутунлай, шу жумладан оқ қайинни ҳам йирик ихтисослаштирилган кўчатхоналарда жадаллашган технологиялар ёрдамида етиштириладиган ёпиқ илдиз тизимли кўчатлардан фойдаланилади”². Манзарали ва ўрмон дарахтлари кўчатларини етиштириш, интродукция бўлган дарахт кўчатларини кўпайтириш кўкаламзорлаштириш соҳасида энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб, кўчатлар танқислигининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда кўкаламзорлаштиришда ўрмон ва манзарали дарахтларидан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Атроф-муҳитни тоза экологик муҳит ва эстетик манзара билан таъминлаш, дунё давлатларида ўрмон ва манзарали дарахт кўчатларига бўлган талабнинг ниҳоятда ортиб бориши кўчатларни етиштиришнинг эҳтиёжини кучайтиради. Сўнгги йиллари дунёда майда баргли жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштирувчи етакчи мамлакатларда турли тупроқ шароитида, етиштириш агротехнологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига кўчат етиштириш муддатини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жўка ва оқ қайин кўчатларини қисқа муддатда етиштириш учун зарур минерал ўғитларни қўллаш натижасида уларни ривожланишини жадаллаштириш, кўкаламзорлаштиришдаги кўчат танқислиги муаммосини бартараф этиш борасида илмий-тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда кўкаламзорлаштириш ишлари ҳудуд микроклимини, кислород-углерод мувозанатини бошқарувчи, экотизимларини сақловчи, табиий офатларни олдини олувчи, эстетик завқ берувчи объект сифатида беқиёс аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ҳам ўрмон ва манзарали дарахтлар кўчатларини етиштириш ҳажмини ошириш, сифатли ва экспортбоп

¹ <https://news.un.org/ru/story>

² <https://www.belstu.by>; <http://earthpapers.net/>.

махсулотлар тайёрлаш жуда долзарб ҳисобланади. “Ўзбекистон Республикаси ўрмон фонди ерлари 11,9 миллион гектарга кенгайиб, унинг ўрмон билан қопланган майдони 3,4 миллион гектарни ёки мамлакатимиз умумий ер майдонининг 7,6 фоизини ташкил этиб, барча вилоят ўрмон хўжаликларига кўчатхоналар мавжуд”³. Республикада ҳам ўрмон ва манзарали дарахтлар кўчатларини етиштириш ҳажмини ошириш, сифатли стандарт кўчатларни тайёрлаш жуда долзарб ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳозирда етиштирилаётган майда баргли жўка ва оқ қайин кўчатларига бўлган талаб кўкаламзорлаштириш соҳасида ушбу ўсимликларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424-сон «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорда «Республикада ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимида кирувчи ташкилотлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш...» ҳамда 30 декабрь 2021 йилдаги ПФ-46-сон «Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонда “«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини татбиқ...” этилиши бўйича соҳага доир меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жўка (*Tilia cordata Mill.*) ва Оқ қайин (*Betula pendula Roth.*)ни етиштириш агротехникаси бўйича турли йилларда АҚШ, Болгария, Финляндия, Польша, Белоруссия, Россия, Қозоғистондан Bragg N. C., Bunt A. C., Landis T.D., Tinus R.W., McDonald S.E., Timonen S., Sung . S.S., Rastovski P., Polak K., Puustjarvi V., Szabla K., Pabian R., В.И.Баранов, М.Е.Ткаченко, Е.П.Заборовский, О.Кузнев, Д.А.Суходольский, А.Я.Любавская, А.И.Новосельцева, А.А.Лисицына, Н.И.Репина, В.П.Коновалов, З.С.Чурагулова, Н.В.Пентелькина, Г.И.Иванишева, В.С.Грохольская, В.В.Огиевский, А.Р.Родин, О.А.Селищева, В.К.Гвоздев, Г.И.Редько, В.В.Носников, Б.И.Косникова, А.П.Волкович, Г.В.Барайшук, И.Ю.Коропачинский, А.Н.Медведев, С.И.Искаков, Б.М.Мукановлар, Ўзбекистондан Т.А.Желтикова, А.С.Аблаев, С.К.Кожаметов каби қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ўтказилган илмий тадқиқотларнинг таҳлиliga кўра жўка ва оқ қайинни ботаник тавсифи, биологик хусусиятлари, кўпайтириш усуллари, ўсиши-ривожланишини ўрганиш, ўғитлар таъсирини баҳолаш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, лекин кўчатларини етиштиришда минерал ўғитлар, стимуляторлар

³www.urmon.uz.

ҳамда суғориш меъёр ва муддатларининг ўзаро уйғун ҳолдаги комплекс агротехник тадбирлар тизими ўрганилмаганлигидан далолат беради. Шу сабабли Ўзбекистон шароитида мазкур дарахт кўчатларини етиштиришда комплекс агротехнологик тадбирларни биргаликда қўллаб етиштириш илк бор амалга оширилмоқда.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-9-083 «Жўка ва Оқ қайин уруғкўчатларини етиштириш агротехникаси (2012–2014 йй.)» ва «КХА-9-045–2015 «Жўка ва оқ қайиннинг йирик ўлчамли кўчатларини етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш» (2015–2017 йй.) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштиришнинг илмий асосланган комплекс агротехнологиясини ишлаб чиққан ҳолда стандарт уруғкўчатлар ва кўчатларни етиштиришда уларнинг ўсишини жадаллаштириш орқали етиштириш муддатини 2 йилга қисқартиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- манзарали кўчатлар етиштириш агротехникасини таҳлил қилиш;
- иссиқхона шароитида оқ қайин уруғларини экишда экиш муддатлари ва миқдорларининг кўчатлар униб чиқиши, ўсиш-ривожланишига таъсирини аниқлаш;
- жўка уруғларини экишда экиш муддатлари ва миқдорларини кўчатларнинг чиқиши ва ўсишига таъсирини аниқлаш;
- уруғкўчатларнинг ўсишига минерал ўғитларнинг таъсирини аниқлаш;
- йирик ўлчамли кўчатларини етиштиришда мақбул суғориш режимини аниқлаш;
- йирик ўлчамли кўчатларнинг ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсирини аниқлаш;
- йирик ўлчамли кўчатларини етиштиришда минерал ўғитларнинг кейинги таъсирини аниқлаш;
- кўчатларнинг ўсиши ва ривожланишига ўстирувчи модданинг таъсирини аниқлаш;
- йирик ўлчамли кўчатларнинг ўсиши ва ривожланишига комплекс агротехнология (минерал ўғитлар қўллаш, ўстирувчи модда билан ишлов бериш, суғориш режимини тартибга солиш) нинг таъсирини аниқлаш;
- жўка ва оқ қайин кўчатларини комплекс агротехнология қўллаб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг «Дархон» тажриба хўжалиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги “Манзарали боғдорчилик ва гулчилик” МЧЖ тажриба кўчатзорида экилган майда баргли жўка ва оқ қайин уруғкўчатлари ҳамда кўчатлари.

Тадқиқотнинг предмети майда баргли жўка ва оқ қайин уруғкўчатлари ва кўчатлари, минерал ўғитлар, ўстирувчи моддалар, суғориш режими кабиларнинг кўчатларнинг ўсиш-ривожланишига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаси, фенологик кузатувлар, биометрик ўлчашлар, тупроқ ва ўсимлик наъмуналари таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии» (1975) қўлланмаси бўйича, статистик таҳлиллар умум қабул қилинган Б.А.Доспехов (2011) услуби асосида амалга оширилди. Тажриба ўтказилган худуднинг иқлим шароитлари «Тошкент» метеостанцияси маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасида жўка ва оқ қайин кўчатларини кўчатхонада етиштиришни жадаллаштирувчи агротехнология ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида қуйидагилар аниқланган:

- майда баргли жўка учун уруғ теришнинг мақбул муддати август ойининг иккинчи ўн кунлиги ҳисобланиб, уруғ экиш меъёри 1 п.м. га 450 дона бўлганлиги аниқланган, оқ қайин учун уруғ теришнинг мақбул муддати сентябрь ойининг учинчи ўн кунлиги ҳисобланиб, уруғ экиш меъёри 1 м² га 3 г бўлганлиги аниқланган;

- кўчатларни етиштиришда суғоришнинг мақбул режими майда баргли жўка учун тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-80% да сақлаганда назоратга нисбатан бўйига ўсиш 15,6% га юқори натижа олинганлиги аниқланган;

- жўка ва оқ қайин уруғкўчатларига минерал ўғит қўллаш бўйича N₉₀P₆₀K₃₀ меъёрда қўллаган назоратга нисбатан бўйига ўсиш жўкада 24,0%, оқ қайинда 17,0% ни ташкил этгани аниқланган;

- ўстирувчи модда гиббереллин эритмасининг 200 мг/л концентрацияси билан ўсимликка ишлов берилганда назоратга нисбатан бўйига ўсиш жўкада 22,7%, оқ қайинда 20,2% ни ташкил этгани аниқланган;

- майда баргли жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштиришда илмий асосланган комплекс агротехнологияни (N₁₂₀P₉₀K₃₀ + 200мг/л Гиббереллин + ЧДНСга нисбатан 70-80% да тупроқ намлигини ушлаш) тартибидаги қўллаш натижасида бўйига ўсиш жўкада 29,6%, оқ қайинда 28,5% ни ташкил этиб, кўчатхоналарда кўчат етиштириш муддати анъанавий усулга нисбатан 2 йилга қисқарганлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- минерал ўғит қўллаб етиштирилган оқ қайин ниҳоллари энг яхши кўрсаткичлари N₉₀P₆₀K₃₀ меъёрда кузатилиб, бунда ўсиш бўйига 125,1±3,29 см ни, диаметрига 7,4±0,19 мм ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бўйига 138,8%, диаметрига 185,0% ўсганлигини аниқланган;

- икки йил давомида қўлланилган минерал ўғитларнинг кейинги таъсири жўка ниҳолларини етиштиришнинг учинчи йилида N₉₀P₆₀K₃₀ вариантыда ўсиш – бўйига 214,8±6,5 см, диаметрига 17,3±0,61 мм ни ташкил этиб, ўсиш назоратга нисбатан бўйига 29,7%, диаметрига 23,5% ни бўлганлиги аниқланган;

- комплекс агротехнология қўллаб етиштирилган жўка ва оқ қайиннинг стандарт кўчатларини етиштириш муддатларини жадаллаштирувчи

агротехнологияни қўллаган ҳолда 2 йилга қисқартириб, бўйига ўсиш кўрсаткичи бўйича мос равишда $389,4 \pm 3,93$; $465,2 \pm 3,03$ см, диаметрига ўсиши бўйича $28,8 \pm 0,42$; $33,0 \pm 0,35$ мм ни ташкил этганлиги аниқланган;

- Республикамиз шароитида жўка ва оқ қайиннинг йирик ўлчамли кўчатларини ҳар гектардан 14 300 дона етиштириб минг 2 290 000 минг сўм даромад олиш исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот натижалари ҳар йили апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий тадқиқотлар жараёнида олинган натажалар бўйича жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштиришни жадаллаштириш бўйича илмий асосланган технология қўллаганда, тадқиқотларнинг иккинчи йилида стандарт кўчат олиш йўлга қўйилиши, мазкур технологияни ишлаб чиқишда кўчатларни мақбул суғориш режими, минерал ўғитларни қўллашнинг меъёр ва муддатлари, ўстирувчи модда гиббереллин эритмасининг мақбул концентрациялари аниқланганлиги билан изоҳланади, анъанавий технология бўйича стандарт кўчат етиштириш 4 - 5 йил муддатни олади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Жўка ва оқ қайиннинг йирик ўлчамли кўчатларини етиштириш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилганлиги, Республика ўрмон хўжаликларида, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланувчи субъектларда майда баргли жўка ва оқ қайин стандарт уруғкўчатларини кам сарф-харажат қилган ҳолда, етиштириш бўйича жадаллашган агротехнологик тадбирлар ишлаб чиқилганлиги натижасида кўчатлар танқислигининг олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

Жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштиришда комплекс агротехнологияни қўллаш бўйича Тошкент вилоятининг Саксонота ўрмон хўжалигида 4,0 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитасининг 2022 йил 14 апрелдаги 03/21-1791-сон маълумотномаси). Натижада ҳар иккала дарахт кўчатларидан 1 га майдондан 24000 дона стандарт ҳолдаги кўчатлар олинди. Бунда иқтисодий самарадорлик анъанавий усулга нисбатан 2,0–2,2 баробарга ошган;

жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштиришда комплекс агротехнологияни қўллаш бўйича Тошкент вилоятининг Дархон илмий-тажриба хўжалигида 3,0 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитасининг 2022 йил 14 апрелдаги 03/21-1791-сон маълумотномаси).

Натижада ҳар иккала дарахт кўчатларидан 1 га майдондан 19500 дона стандарт ҳолдаги кўчатлар олинди. Бунда иқтисодий самарадорлик анъанавий усулга нисбатан 1,8–2,0 баробарга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎХИТИ ва ЎзҚХИИЧМ апробацион комиссиялари томонидан апробация қилиниб борилди ва ижобий баҳоланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий ишлар чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан хорижий журналларда 2 та, республика илмий–амалий анжуманларида 2 та, хорижий илмий–амалий анжуманда 6 та илмий мақола ва ҳаммуаллифликда 1 та тавсиянома, 1 та услубий қўлланма нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёғочбоп дарахтлар кўчатларини етиштириш технологияларининг назарий асослари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳалий ва хорижий илмий манбаалар, интернет маълумотлари ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, майда баргли жўка ва оқ қайиннинг биоэкологик хусусиятлари ва халқ хўжалигида тутган ўрни, кўчатларини етиштиришда агротехник тадбирларни қўллаш тажрибаси таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот дастури, услуби ва шароити**» деб номланган иккинчи бобида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур бўлган тадқиқот дастури ва уни ўтказиш услублари баён этилган. Дала тажрибалари “Дархон” илмий-тажриба хўжалиги майдонида Б.А.Доспехов усулида олиб борилди. Дастурда белгиланган вазифалар дала ва лаборатория тажрибалари ёрдамида амалга оширилди. Тупроқ ва ўсимликларнинг агрохимёвий таҳлиллари Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Ўрмон тупроқшунослиги ва агрохимёси лабораториясида “Ўрта Осиё тупроқларининг агрохимёвий, арофизикавий ва микробиологик тадқиқот услублари” қўлланмаси бўйича олиб борилди. Тадқиқот олиб борилаётган майдоннинг ҳаво-иқлим шароити «Тошкент» метеостанцияси маълумотлари асосида ўрганилган. Дала тажрибалари Тошкент вилоятининг типик бўз

тупроқлари шароитларида олиб борилган. Унинг таркибидаги гумус миқдори 1,18%, умумий азот 0,0112%, фосфор 0,15%, калий 2,51%, ўзлаштирувчан элементлар миқдорлари: N-NO₃—10,2 мг/кг, N-NH₄—19,0 мг/кг, P₂O₅—28,0мг/кг.

Тажриба вариантлари бўйича намунавий уруғкўчатлар аниқланди. Намунавий уруғкўчатни аниқлашда ГОСТ 3317-90 «Дарахтлар ва буталар ниҳоллари»дан фойдаланилди. Азотнинг нитратли ва аммиакли шакллари ҳамда фосфорни тупроқда миқдори бўйича жами 48 намунада, майда баргли жўка ва оқ қайин ўсимлигининг турли хил органларида NPK миқдори бўйича 24 намунада анализ қилинди. Тупроқнинг намлик танқислиги даражаси А.Н.Костяков формуласи бўйича ҳисобланиб, суғориш меъёрлари аниқланди.

Диссертациянинг **“Майда баргли жўка ва оқ қайин уруғкўчатларини етиштириш агротехникаси”** деб номланган учинчи бобида турли муддатларда терилган майда баргли жўка уруғларининг кўчатлар униб чиқишига таъсири. Тажриба натижалари август ойининг биринчи ўн кунлигида терилган жўка уруғлардан ниҳолларнинг униб чиқиши энг яхши натижани кўрсатди.

7.07.2011 санасида терилган уруғлардан униб чиққан ниҳоллар бўйига ўсиши 10,8±0,68 см, диаметри бўйича ўсиши 3,0±0,1 мм; 25.07.2011 санасида терилган уруғлардан униб чиққан ниҳоллар бўйига ўсиши 12,6±1,22 см, диаметри бўйича ўсиши 5,0±0,2 мм; 9.08.2011 санасида терилган уруғлардан униб чиққан ниҳоллар бўйига ўсиши 16,5±1,22 см, диаметри бўйича ўсиши 5,0±0,2 миллиметрни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал.

Бир ёшли майда баргли жўка ниҳолларининг уруғларни териш муддатларига боғлиқ ҳолдаги ўсиш кўрсаткичлари, 2014 й. (10.12.2012 санасида экилган)

Уруғ териш муддатлари	Ўртача бўйи, см	Ўртача диаметри, мм	Ниҳолларнинг чиқиши, дона/га	p		t	
				H	D	H	D
7.07.2012	10,8±0,68	3,0±0,1	420,0	4,3	3,7	2,8	1,9
25.07.2012	12,6±1,22	5,0±0,2	480,0	2,8	2,3	3,0	2,3
9.08.2012	16,5±1,22	5,0±0,2	620,0	3,1	2,6	3,3	2,5

Майда баргли жўка ниҳолларини униб чиқиши бўйича тажриба кутатувлари шуни кўрсатдики, экилган дастлабки уруғлар 7–8 кундан кейин униб чиқа бошлади, ёппасига униб чиқиши 11–13 кундан кейин кузатилди. Ундан кейин униб чиқиш кузатилмади.

2-жадвал.

Майда баргли жўка уруғларининг экиш муддатлари бўйича униб чиқиши

Йиллар	Экиш муддатлари	Дастлабки униб чиқиши		Ёппасига униб чиқиши	
		1 п.м.да дона	Уруғларнинг униб чиқиши, %	1 п.м.да дона	Уруғларнинг униб чиқиши, %
2012	2 апрел	3	7,5	7	17,5
2012	22 апрел	6	15,0	10	25,0
2013	2–22 апрел	20	44,4	20	44,0

22 апрелда қайтадан уруғ экиш ишлари амалга оширилди. Қайта экилган уруғлар 1 майда уна бошлади, ёппасига униб чиқиши эса 7–8 майда кузатилди (2-жадвал).

“Майда баргли жўка ниҳолларини етиштиришда минерал ўғитларни қўллаш” деб номланган бўлимида минерал ўғитларнинг уруғкўчатлар ўсишига таъсири баён этилган (3-жадвал). Минерал ўғитларни қўлаганда маълум бўлдики, уларни қўллаш кўчатларнинг ўсишига 11,4 фоиздан 23% фоизгача ижобий таъсирини кўрсатди. Жўка ниҳолларининг бўйича ўсиши бўйича N₉₀P₆₀K₃₀ варианты яхши натижа кўрсатди. Бунда биринчи муддатда экилган ниҳолларнинг бўйига ўсиши 23,5 сантиметрни, иккинчи муддат бўйича 7,2 сантиметрни ташкил этиб, назоратга нисбатан мос равишда 40 фоиз ва 21 фоизга юқори бўлганлигини кўрсатди. Ниҳолларнинг диаметрига ўсиши эса муддатлар бўйича мос равишда 23 фоиз ва 50% фоизни ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Вегетация охирида бир ёшли майда баргли жўка кўчатларнинг минерал ўғитларга боғлиқ ҳолда ўсиш кўрсаткичлари

Вариантлар	Ўртача бўйи, см	Ўртача диаметри, мм	Бўйига ўсиш фарқи		Диаметрига ўсиш фарқи, мм	
			см	%	мм	%
2.04.2012 йилда экилган						
Назорат	15,8±0,68	2,0±0,1	-	100	-	100
N ₃₀ P ₃₀	18,6±1,22	6,0±0,2	2,8	126	2,1	111,4
N ₆₀ P ₃₀	21,1±1,22	7,0±0,2	5,3	126	5,0	121,0
N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	23,5±0,61	8,0±0,2	7,7	140	6,0	123,0
22.04.2012 йилда экилган						
Назорат	5,8±0,2	2,0±0,1	-	100	-	100
N ₃₀ P ₃₀	6,1±0,2	3,0±0,1	0,9	106	1,0	150,0
N ₆₀ P ₃₀	6,6±0,15	3,0±0,1	0,8	115,3	1,0	150,0
N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	7,2±0,22	3,0±0,1	1,4	121,0	1,0	150,0

2014 йилда жўка ниҳолларига минерал ўғит берилмади. Дастлабки икки йилда берилган минерал ўғитларнинг кейинги таъсири ўрганилди. 4-жадвалда уч ёшли жўка ниҳолларининг биометрик кўрсаткичлари берилган.

4-жадвал

Уч ёшли жўка кўчатларига берилган минерал ўғитларнинг кейинги таъсири бўйича биометрик кўрсаткичлари

Вариантлар	Ўртача бўйи, см	Ўртача диаметри, мм	Бўйига ўсиш бўйича фарқи		Диаметрига ўсиш бўйича фарқи	
			см	%	мм	%
Назорат	166,2±8,72	14,0±0,58	-	100	-	100
N ₃₀ P ₃₀	183,4±9,55	15,3±1,10	17,2	110,3	1,3	109,2
N ₆₀ P ₃₀	207,3±10,8	15,8±0,47	41,1	124,7	1,8	112,8
N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	214,8±6,59	17,3±0,61	48,6	129,7	3,3	123,5

Маълумотлардан кўришиб турибдики, олдинги икки йил давомида берилган минерал ўғитларнинг юқори самарадорлиги учинчи йилда ҳам давом этган. Масалан, вегетация охирида $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантыда уч ёшли жўка ниҳолларининг ўртача бўйи $214,8 \pm 6,59$ сантиметрни, илдиз бўғзининг диаметри $17,3 \pm 0,61$ миллиметрни ташкил этган бўлса, назорат вариантыда бу кўрсаткичлар мос равишда $166,2 \pm 8,72$ см ва $14,0 \pm 0,58$ мм бўлганлиги кузатилди, яъни ўсишнинг фоиздаги кўрсаткичлари назоратга нисбатан бўйига 29,7 фоиз, диаметрига 23,5 фоизни ташкил этди.

Иссиқхона шароитида оқ қайин уруғларининг униб чиқишига уруғларни териш муддатлари ва экиш меъёрларининг таъсири. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, иссиқхона шароитида олдинги йил 27 июлда терилган оқ қайин уруғлари 15 апрелда экилганда униб чиқиши бўйича натижа бермади.

Бу кўрсаткичлар уруғ териш даврида улар ҳали пишиб етилмаганидан далолат беради 12 августда терилган уруғлардан эса 1 м^2 да 10–14 дона ниҳол униб чиқди. 23 сентябрда терилган уруғлардан ниҳолларнинг униб чиқиши бўйича энг яхши натижа олинди - 1 м^2 да 30–58 дона.

Ниҳолларнинг бўйига ўсиши бўйича кўрсаткичлар хар хил вариантларда 32,2 сантиметрдан 38,7 сантиметргача, илдиз бўғзининг диаметри 3,0 миллиметрдан 4,0 миллиметр гача ўзгариб турди (5-жадвал).

Тажрибаларда оқ қайин уруғларини экишнинг уч хил меъёрлари ўрганилди: 1 м^2 га 2,0; 2,5; ва 3,0 г. Уруғларни экиш меъёрлари ортиб бориши билан уларнинг 1 м^2 даги униб чиқиши ҳам ортиб борганлиги кузатилди, яъни 2,0 г/ м^2 экилган уруғдан 58 дона униб чиққан бўлса, 3,0 г/ м^2 экилган уруғнинг униб чиқиши 92 донани ташкил этди.

5-жадвал

Бир йиллик оқ қайин ниҳолларининг уруғларни териш муддатларига боғлиқ ҳолда бўйи ва диаметри бўйича ўсиш кўрсаткичлари

Уруғ териш муддатлари	Ўртача бўйи-Н см	Ўртача диаметри-D мм	Ниҳоллар сони, дона/ м^2	1 га майдондаги ниҳоллар сони, минг дона	P		t	
					H	D	H	D
27.07.2011 г.	-	-	-	-	-	-	-	-
12.08.2011 г.	$32,2 \pm 0,89$	$3,0 \pm 0,1$	14	140,0	3,5	3,1	2,4	1,9
23.09.2011 г.	$38,7 \pm 0,93$	$4,0 \pm 0,1$	58	580,0	2,4	2,9	2,7	2,2

Вегетация охирида 2,0 г/ м^2 бўйича экилган ниҳолларнинг бўйи $37,0 \pm 2,27$ см, диаметри $3,0 \pm 0,1$ миллиметрни, 2,5 г/ м^2 бўйича экилган ниҳолларнинг бўйи $39,3 \pm 1,26$ см, диаметри $5,0 \pm 0,1$ миллиметрни ташкил этган бўлса, 3,0 г/ м^2 бўйича экилган ниҳолларда бу кўрсаткичлар мос равишда $42,0 \pm 0,88$ см ва $4,0 \pm 0,1$ мм бўлди (6-жадвал). Уруғларнинг униб чиқиш сони бўйича энг яхши кўрсаткич 23 сентябрда терилган уруғларда кузатилиб, гектарига 920,0 минг донани ташкил этди. 12 августда терилган уруғларда бу кўрсаткич 640,0 донани ташкил этганлиги кузатилди.

Уруғларни экиш меъёрларнинг бир ёшли оқ қайин ниҳолларининг чиқиши ва ўсишига таъсири

Уруғларни экиш меъёри, г/м ²	Вегетация охиридаги ўсиш кўрсаткичлари		Кўчатларнинг сони, дона/м ²	1 га дан чиқиши, минг дона	P		t	
	Бўйи- Н, см	Диаметри- D, мм			Н	D	Н	D
2,0	37,0±2,27	3,0±0,1	58	580,0	2,2	3,5	6,6	5,4
2,5	39,3±1,26	5,0±0,1	64	640,0	3,0	2,9	7,3	6,2
3,0	42,0±0,88	4,0±0,1	92	920,0	1,9	2,6	8,1	5,1

Оқ қайин уруғларини экишнинг оптимал муддатлари ва меъёрлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар учинчи йилида ниҳолларнинг ўсиши бўйича кўрсаткичлар кузатилди.

Бунда 12.08.2011 йилда терилган уруғлардан униб чиққан ниҳолларнинг бўйига ўсиши 133,7±3,03 сантиметрни, илдиз бўғзининг диаметри 11,8±0,11 миллиметрни ташкил этди.

23.09.2011 йилда терилган уруғлардан униб чиққан ниҳолларда эса бу кўрсаткич мос равишда 141,6±2,54 см ва 12,1±0,12 мм бўлганлиги кузатилди.

Уруғ экиш меъёрларининг ошиб бориши билан униб чиқиш сони ҳам ортади. 1 м² га 2,0 г. меъёрда экилган вариантда гектарига 580,0 минг донани, 2,5 г. экилганда 630,0 минг донани, 3,0 г. экилганда 920,0 минг донани ташкил этди. Уруғларни экишнинг оптимал меъёри 1 м² га 3,0 г. ҳисобланиб, бу вариантда ниҳолларнинг бўйи 140,0 см, илдиз бўғзининг диаметри 12,3±0,14 миллиметрни ташкил этди (7-жадвал).

Уруғларни териш муддатлари ва экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда уч ёшли оқ қайин ниҳолларининг бўйига ва диаметрига ўсиш кўрсаткичлари

Вариантлар	Ўртача бўйи-Н, см,	Ўртача диаметри- D, мм,	1 м ² даги сони, дона	Стандарт ниҳоллар сони	P		t	
					Н	D	Н	D
Уруғларни териш муддатлари								
12.08.2011	133,7±3,03	11,8±0,11	60	600,0	2,3	3,6	19,3	15,2
23.09.2011	141,6±2,54	12,1±0,12	90	900,0	1,8	2,2	21,1	13,5
Уруғларни экиш меъёрлари, г/м ²								
2,0	109,4±3,33	10,3±0,27	58	580,0	3,0	3,2	18,0	16,1
2,5	121,2±1,76	11,3±0,19	63	630,0	1,5	1,9	20,8	17,3
3,0	140,0±1,27	12,3±0,14	92	920,0	0,9	1,7	22,7	18,7

“Очиқ шароитда оқ қайин ниҳолларининг ўсишига минерал ўғитларнинг таъсири” бўлимида бир ёшли оқ қайин ниҳолларининг ўсишига вариантлар бўйича ўсиш кўрсаткичлари баён этилган. Бунда N₃₀P₃₀ вариантида ниҳолларнинг ўртача бўйи 48,6 сантиметрни ташкил этиб, назоратга нисбатан 5,4% юқори бўлганлигини кўрсатди (8-жадвал).

Жадвалдаги кўрсаткичлар шундан далолат берадики, самарадорлик $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг/га вариантыда кузатилди, бунда ниҳолларнинг ўртача бўйи $125,1 \pm 3,29$ см, диаметри $7,4 \pm 0,19$ миллиметрни ташкил этди. Назорат вариантыда эса бу кўрсаткичлар мос равишда $90,1 \pm 3,23$ см ва $4,0 \pm 0,18$ мм бўлганлиги кузатилиб, ўсиш бўйига 38,8 фоизни, диаметрига эса 85,0 фоизни ташкил этди.

8-жадвал

Икки ёшли оқ қайин ниҳолларининг ўсишига минерал ўғитларнинг таъсири


Вариантлар	Бўйи, см	Диаметри мм	Бўйига ўсиш бўйича фарки		Диаметрига ўсиш бўйича фарки	
			см	%	мм	%
Назорат(ўғитсиз)	$90,1 \pm 3,23$	$4,0 \pm 0,18$	-	100	-	100
$N_{30}P_{30}$	$114,2 \pm 2,95$	$6,1 \pm 0,20$	24,1	126,7	2,1	152,5
$N_{60}P_{30}$	$121,7 \pm 3,26$	$6,5 \pm 0,26$	31,6	135,0	2,5	162,5
$N_{90}P_{60}K_{30}$	$125,1 \pm 3,29$	$7,4 \pm 0,19$	35,0	138,8	3,4	185,0

“Йирик ўлчамли майда баргли жўка кўчатини етиштиришда суғориш режимини тартибга солиш” бўлимида майда баргли жўка кўчатларининг турли хил чегаравий дала нам сиғими (ЧДНС) шароитидаги ўсиши баён этилган. Майда баргли жўка кўчатларининг ўсиш фазалари бўйича сувга талаби турлича бўлади. Шу сабабли дала тажрибаларида ЧДНСга нисбатан 50–60%; 60–70% ва 70–80% сув режимлари қўлланди.

Юқорида кўрсатилган суғориш режимини қўллаш майда баргли жўка кўчатларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Икки ёшли майда баргли жўка кўчатларининг ўсиши ҳамма вариантларда назоратга нисбатан 12,7 фоиздан 15,6 фоизгача ўсганлиги кузатилди.

Бир мунча юқори кўрсаткичлар ЧДНСга нисбатан 70-80% намлик ушланган вариантда кузатилди (бўйига – 15,6%, диаметрига – 11,5%), ЧДНСга нисбатан 50–60% намлик ушланган вариантда бу кўрсаткич бўйига ўсиш бўйича 12,7%, диаметрига 7,1 фоизни ташкил этди. ЧДНСга нисбатан 60–70% намлик ушланган вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 13,8% ва 10,2% бўлди. Шунини таъкидлаш керакки, барча вариантларда жўка кўчатларининг сақланиб қолиши 100 фоизни ташкил этди.


Дисертациянинг **“Майда баргли жўка ва оқ қайин йирик ўлчамли кўчатларининг ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири”** бўлимида кўчатларнинг минерал ўғитлар таъсирида ўсиб ривожланиши баён этилган. Майда баргли жўка кўчатларига ўғит қўллаб етиштиришнинг иккинчи йилидаги кузатувлар натижаси $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантыда энг юқори натижа берганлигини кўрсатди. Бунда азот-фосфорли ўғитларни биргаликда икки мартадан қўллаганда назоратга нисбатан бўйига ўсиш 24 фоизни, диаметрига ўсиш 20,6 фоизни ташкил этди. $N_{60}P_{30}$ вариантыда эса бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан мос равишда 18,2% ва 14,1 фоизни кўрсатди (1-расм).



1-расм. Икки ёшли майда баргли жўка кўчатларининг минерал ўғитга боғлиқ ҳолда ўсиш кўрсаткичлари


2-расмда минерал ўғит қўллаб етиштирилган икки ёшли оқ қайин кўчатларининг биометрик кўрсаткичлари акс этган бўлиб, бунда қўлланган ўғитларнинг самараси жўка ҳолатига нисбатан ижобий самара берганлигидан далолат беради.

Икки ёшли оқ қайин кўчатларининг ўсиб, ривожланиши учун минерал ўғитларнинг тўлиқ комплекси (N₉₀P₆₀K₃₀) баҳорги озиклантириш сифатида икки марта, яъни кўчат тўла барг ёзганида (майнинг иккинчи ярми) ва ўсиш даври кучайган даврда (июннинг иккинчи ярми) берилганида уларнинг ўсиши учун қулай шароит яратилиши кузатилди. Бу вариант кўчатларнинг бўйи, диаметри, қуруқ вазни, новдалар ва барглар сони жиҳатдан бошқалардан устунлигини кўрсатди. Масалан, икки ёшли оқ қайин кўчатларининг бўйи 290,4 сантиметрни ташкил этган бўлса, назорат вариантыда бу кўрсаткич 248,2 см бўлиб, 17 фоизгача ўсиши кузатилганини кўрсатди.



2-расм. Икки ёшли оқ қайин кўчатларининг минерал ўғитга боғлиқ ҳолда ўсиш кўрсаткичлари


Диссертациянинг **“Майда баргли жўка ва оқ қайин кўчатларининг ўсиши ва ривожланишига гиббереллин ўстирувчи моддасининг таъсири”** бўлимида кўчатларнинг гиббереллин таъсирида ўсиб, ривожланиши баён этилган. Майда баргли жўка ва оқ қайин кўчатларига дастлабки йилда гиббереллин ўстирувчи моддасини қўллаш самарадорлиги сезиларли даражада бўлмади. Бу ҳолатни биринчи йилда кўчириб ўтказилган кўчатларнинг янги шароитга мослашув жараёни давом этгани билан изоҳлаш мумкин (3-расм).



3-расм. Икки ёшли майда баргли жўка кўчатларига гиббереллин ўстирувчи моддасининг таъсири

Иккинчи йилда кўчатларга ишлов бериш ишлари давом эттирилиб, уларга гиббереллиннинг 100; 150; 200 мг/л концентрацияли эритмалари билан икки марта: тўлиқ барг ёзганида (апрелнинг охири) ва ўсиш даври кучайганда (20 кундан кейин) ишлов берилди. Назорат вариантидаги кўчатларга оддий сув билан ишлов берилди. Икки ёшли жўка кўчатларига гиббереллин ўстирувчи моддаси билан ишлов берилганида уларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашганлиги кузатилди. Масалан, 150 мг/л концентрацияли гиббереллин билан ишлов берилган вариантда кўчатларнинг бўйи 124,6 см, диаметрига 22,5 миллиметрни ташкил этиб, 100% сифатида қабул қилинган назорат вариантга нисбатан 114,9% ва 111,9 фоизга ўсганлиги кузатилди. 200 мг/л концентрацияли гиббереллин билан ишлов берилган вариантда кўчатларнинг бўйи 133,1 см, диаметри 24,0 миллиметрни ташкил этиб, назоратга нисбатан фоиз кўрсаткичлари мос равишда 122,7% ва 119,3% бўлди. Ўсишнинг энг кам кўрсаткичлари 100 мг/л концентрацияли эритма билан ишлов берилган вариантда кузатилиб, бунда кўчатларнинг ўсиши бўйига 108,3 см, диаметрига 20,1 миллиметрни ташкил этди.

4-расмда икки ёшли оқ қайин кўчатларига гиббереллин қўлланган вариантлардаги биометрик кўрсаткичлар келтирилган. Назорат вариантида оқ қайин кўчатларининг ўсиши бўйига 113,0±3,73 см, диаметрига 9,3±0,18 мм бўлганлиги кузатилган бўлса, 200 мг/л концентрацияли гиббереллин эритмаси билан ишлов берилган вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 127,0±5,33 см ва 10,7±0,29 миллиметрни ташкил этди. Гиббереллин қўлланган барча вариантларда кўчатларнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашгани кузатилди.



4-расм. Икки ёшли оқ қайин кўчатларига гиббереллин ўстирувчи моддасининг таъсири

Диссертациянинг **“Йирик ўлчамли жўка ва оқ қайин кўчатларнинг ўсиши ва ривожланишига комплекс агротехнологияни қўллашнинг таъсири”** бўлимида комплекс агротехнологиянинг (ўғитлаш, суғориш, ўстирувчи модда қўллаш) кўчатлар ўсиш ва ривожланишига таъсири баён этилган. Йирик ўлчамли жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштиришнинг учинчи йилида уларнинг ўсиши ва ривожланишига олдинги икки йилда қўлланилган учта агротехнологик тадбирларнинг энг самарали вариантлари бўйича комплекс агротехнологиянинг (ўғитлаш, суғориш, ўстирувчи модда қўллаш) таъсири ўрганилди. Минерал ўғит 90 кг/га азот, 60 кг/га фосфор, 30кг/га калий таъсир этувчи модда ҳисобида, гиббереллин 200мг/л миқдорида қўлланилди. Тупроқ намлиги вегетация давомида ЧДНСга нисбатан 70% миқдорида ушлаб турилди 10-жадвалдаги кўрсаткичлар шундан далолат берадики, жўка ва оқ қайин кўчатларининг яхши ўсиб ривожланиши учун минерал ўғит меъёри $N_{90}P_{60}K_{30}$ бўлиб, 200 мг/л концентрацияли гиббереллин эритмаси билан 2 марта ишлов берилганда ҳамда вегетация давомида 650–700 м³/га нормада 8 марта суғорилганида қулай шароит яратилади.

Тавсия этилаётган вариантда жўка кўчатларининг ўсиши бўйига 389,4±3,93 см, диаметрига 28,8±0,42 миллиметрни ташкил этиб, назоратга нисбатан фоиз кўсаткичлари мос равишда 29,6% ва 28,5% бўлганлиги кузатилди. Оқ қайин кўчатларининг ўсиши эса бўйига 299,9±3,93 см, диаметрига 29,4±0,46 миллиметрни ташкил этиб, назоратга нисбатан фоиз кўсаткичлари мос равишда 28,6% ва 42,6% бўлганлиги кузатилди.

Диссертациянинг **“Майда баргли жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштириш агротехнологиясининг иқтисодий самарадорлиги”** бўлимида кўчат етиштириш якунида иқтисодий самарадорлик бўйича олинган натижалар баён этилган.

Харажатлар ишлатилган маҳсулотларнинг (ўғит, ўстирувчи моддалар, иш харажатлари ва ҳ.к) бирлигидан олинди. Барча харажатлар қўшилган ҳолда кўчатларни етиштиришга сарфланган жами харажатлар ҳисобланди.

Кўчатларни келишилган баҳода сотилган нархдан харажатлар олиниб соф фойда ҳисобланди. Иқтисодий самарадорликни белгиловчи кўрсаткич бу кўчатхонада кўчатларни етиштиришдаги рентабеллик даражаси ҳисобланиб, у қуйидаги формула орқали ҳисобланади: $R = \frac{P}{C} \times 100\%$.

R – рентабеллик; P – фойда; C – нарх.

Бу ҳолатда ҳам 1 га майдонда йирик ўлчамли кўчатларни етиштиришга кетган жами харажатлар кўчатларни сотишдан келган фойдадан олиб ташланди.

Минерал ўғитлар, ўстирувчи моддалар ва бошқа харажатлар ҳамда кўчатларнинг нархлари “Дархон” илмий-тажриба хўжалигидаги мавжуд ҳужжатлар бўйича ҳисобланди. Жадвалдаги кўрсаткичлар шундан далолат берадики, комплекс агротехнология қўлланган вариантларда назорат вариантыга нисбатан рентабеллик анча юқори бўлди.

Жами харажатлар 5 435 000 сўм, кўчатларни сотишдан келган даромад 2 290 000 000 сўм бўлган ҳолда соф фойда 4 284 565 000 сўмни ташкил этди. Бунда 1 сўм сарфланган харажат 99,36 сўм фойда олиб келди, рентабеллик эса,

99,3 фоизни ташкил этди. Бундай юқори рентабеллик даражаси етиштирилган кўчатларнинг барчаси сотилган тақдирда амалга ошиши мумкин, амалда эса 20% кўчат сотилса ҳам кўчатхонада комплекс агротехнологияни қўллаб кўчат етиштириш ўзини оқлайди, деб ҳисоблаш мумкин.

ХУЛОСА

1. Оқ қайин уруғларини теришнинг энг қулай даври сентябрнинг учинчи ўн кунлиги ҳисобланади. Иссиқхона шароитида уруғ экишнинг энг мақбул муддати сентябрнинг учинчи ўн кунлиги ҳисобланиб, экиш меъёри 1 м² майдонга 3,0 г. сепилиши кераклиги аниқланди. Жўка учун уруғ теришнинг энг мақбул муддати августнинг ўртаси ҳисобланиб, уруғларини сепиш меъёри 1 п.м. га 450 донани ташкил этди.

2. Иссиқхона шароитида етиштирилган оқ қайин кўчатларининг 20–21 фоизини доимий ўстириш жойига кўчириш мумкин, 18,8–25,6 фоизи парваришlash бўлимига кўчириладиган ҳолатга етади, кўчатлар қолган қисми кейинги йилгача кўчириб ўтқазиш мумкин бўлган ҳажмгача ўстириш учун қолдирилади.

3. Оқ қайин уруғларини энг мақбул меъёр 1 м² га 3,0 г бўлиб, бу ҳолатда икки ёшли ниҳолларнинг чиқиши 96 донани ташкил этди, шуни таъкидлаш керакки, уларнинг иккинчи йилдаги ўсиши биринчи йилдагидан жадалроқ бўлганлиги кузатилди (бўйи 77,2±2,42, диаметри 9,0±0,02 мм). Майда баргли жўка уруғларини теришнинг энг қулай муддати эса августнинг иккинчи ўн кунлиги ҳисобланиб, бунда ялпи униб чиқиш гектарига 62000 донани ташкил этди (17,2–25,0%).

4. Очiq далада минерал ўғитларни N₉₀P₆₀K₃₀ ва N₁₂₀P₉₀K₃₀ меъёрларида қўллаган вариантларда оқ қайин ниҳолларини ўсиб-ривожланганлиги жадаллашгани кузатилиб, бунда уларнинг бўйи 125,1±3,29 ва 130,1±4,30 сантиметрни, илдиз бўғзининг диаметри 7,4±0,19 ва 7,8±0,25 миллиметрни ташкил этди, назоратда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 90,1±3,23 см ва 4,0±0,18 мм бўлди. Бу эса назоратга нисбатан ўсимликнинг бўйига 138,8 ва 144,3%, илдиз бўғзининг диаметрига 185,0 ва 195 фоизгача ўсганлигини кўрсатди.

5. Икки йил давомида қўлланилган минерал ўғитларнинг кейинги таъсири Жўка ниҳолларини етиштиришнинг учинчи йилида яққол сезилди. Бунда энг яхши ҳолат N₉₀P₆₀K₃₀ вариантыда кузатилди: ўсиш – бўйига 214,8±6,5 см, диаметрига 17,3±0,61 миллиметрни ташкил этди, назоратда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 166,2±8,72 см ва 14,0±0,58 мм бўлди. Ўсишнинг фоиз ҳисобидаги фарқи бўйига 29,7%, диаметрига 23,5 фоизни кўрсатди.

6. Майда баргли жўка сақланиб қолиши (100%) ва энг яхши ўсиши илдиз тарқалган қатламда намликни ЧДНС га нисбатан 70-80 фоизда сақланганида эришилди. Намликни кўрсатилган даражада сақлаш учун мавсумий суғориш меъёри 3600 м³/га ташкил этиб, суғориш меъёри 400–450 м³/га дан чин барг чиқариш фазасида 2 марта, кучли ўсиш даврида 6 марта, жами 7–8 марта суғориш талаб этилди.

7. Минерал ўғитларнинг меъёр ва муддатларини тўғри тақсимлаб қўллаш жўка ва оқ қайин кўчатларининг ўсишини сезиларли даражада кучайтиради. Шунга боғлиқ ҳолда бу дарахт кўчатларини етиштиришнинг дастлабки йилларида минерал ўғитларга бўлган талабни тўлдириш лозим. Бу кўчатларнинг юқори миқдорда сақланиб қолиши ҳамда ўсиши ва ривожланишини минерал ўғитларнинг $N_{90}P_{60}K_{30}$ ҳолатда икки марта (30 кг/га дан) – тўла барг ёзганида ва жадал ўсиш фазаларида бўлишини таъминлади.

8. Гиббереллин ўстирувчи моддаси ўсимликнинг баъзи метаболик жараёнларига ижобий таъсир кўрсатганлиги кузатилди. Бу модда билан ишлов берилганда биометрик кўрсаткичлар жўка ва оқ қайин кўчатларининг яхши ўсиши ва ривожланиши кўрсатди. Гиббереллин моддаси билан ишлов беришнинг энг мақбул меъёри унинг 200 мг/л концентрацияли эритмаси бўлиб, кўчатлар тўла барг ёзганда (апрелнинг охири, майнинг боши) ва жадал ўсиш фазасида пуркалганда яхши натижа берди.

9. Йирик ўлчамли жўка ва оқ қайин кўчатларини етиштиришда комплекс агротехник тадбирларнинг ($N_{90}P_{60}K_{30}+200$ мг/л гиббереллин+ тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70 фоизда ушлаб туриш) уларнинг ўсиши ва ривожланишига қулай шароит яратди. Тавсия этилаётган комплекс агротехнология кўчатлар барглариининг юзасини катталаштириш баробарида уларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. 3–4 ёшли кўчатлар ташқи кўриниши бўйича 5–6 ёшли кўчатларнинг ҳажмига тенглашиб, оқ қайин кўчатларининг ўртача ўсиши бўйига 465,2±3,03 см диаметрига 33,0±0,35 мм, жўка кўчатларида бу кўчаткичлар мос равишда 389,4±3,93 см ва 28,8±0,42 миллиметрни ташкил этди. Назоратда эса бу кўрсаткичлар оқ қайин кўчатларида 361,6±1,50 см ва 23,1±0,29 мм; жўка кўчатларида 299,9±3,93 см ва 22,4±0,43 мм бўлди.

10. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси таркибидаги ўрмон хўжаликлари ва қимматбаҳо манзарали дарахт кўчатларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун:

– майда баргли жўка уруғларини август ойининг биринчи ўн кунлигида териш ва 1 п.м.га 16 г. меъёрда экиш. Оқ қайин уруғларини сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида териш ва декабрь ойида биринчи қор ёғишидан олдин 1 п.м. га 3,0 г., иссиқхона шароитида 1 м² га 3,0 г. меъёрда экиш;

– жўка ва оқ қайин кўчатларини очиқ дала шароитида етиштиришда ниҳоллар учун гектарига $N_{90}P_{60}K_{30}$ меъёрида минерал ўғитлар қўллаш; йирик ўлчамли кўчатлар етиштиришда $N_{120}P_{90}K_{30} + 200$ мг/л Гиббереллин + ЧДНСга нисбатан 70-80 фоизда тупроқ намлигини ушлаш тартибидаги комплекс агротехнологиясини қўллаш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
(PhD).05/30.10.2020.Qx.126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЛЕСНОГО
ХОЗЯЙСТВА**

ЮЛДАШЕВ ХАМЗА КАМАЛОВИЧ

**ИНТЕНСИВНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ ПОСАДОЧНОГО
МАТЕРИАЛА ЛИПЫ МЕЛКОЛИСТНОЙ (*Tilia Cordata Mill.*) И БЕРЕЗЫ
ПОВИСЛОЙ (*Betula Pendula Roth.*) ДЛЯ ОЗЕЛЕНЕНИЯ**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Андижан - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Qx337

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте лесного хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.andqjai.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Кожухметов Советбек Кожухметович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Сирожиддинов Бехзод Арабджонович
доктор биологических наук, доцент

Толипов Хожимурод Миразимович
кандидат биологических наук

Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет


Защита диссертации состоится «2» 12 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий. Адрес: 170600, г. Андижан, ул. Олийгох, дом-1. Тел.: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; E-mail: agai_info@edu.uz. Административное здание: Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий, 1 этаж, зал заседаний.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована за 6086/1). Адрес: 170600, г. Андижан, ул. Олийгох, дом-1. кўчаси, 1-уй. Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; E-mail: agai_info@edu.uz.


Автореферат диссертации разослан «16» 11 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 28 от «16» 11 2022 года.)




А.Исанов
Председатель научного совета, по
присуждению ученой степени,
д.с/х.н., профессор


Г.Д.Рахматуллаев
Ученый секретарь научного
совета по, присуждению ученой
степени, д.ф.с/х.н.


К.С.Комилов
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученой степени,
к.с/х.н., доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. В разных странах мира для озеленения выращивают лесных и декоративных саженцев в питомниках по оптимизированной технологии. “В настоящее время леса занимают 4,06 млрд га – то есть 31 процент суши. 25 процентов всех лесных массивов приходится на Европу, включая Россию, 21 процент – на Южную Америку, 19 процентов – на Северную и Центральную Америку, 16 – на Африку, 15 – на Азию и 5 – на Океанию”¹. Такие страны, как Америка, Германия, Италия, Бельгия, Китай занимают лидирующие позиции в экспорте саженцев декоративных деревьев. “В лесных питомниках США выращивается ежегодно 1,5 млрд. шт. посадочного материала, из которых 55% производится на крупных питомниках, 22% на небольших частных, 23% – на государственных. Выращивается как посадочный материал с закрытой корневой системой на которой приходится 70%, так и с открытой. В Литве общая площадь лесных питомников составляет более 1200 га, на которых выращивается свыше 130 млн. сеянцев и саженцев. В Польше производящая площадь лесных питомников составляет 2,2 тыс. га. В Финляндии для посадки практически полностью, включая березу, используется посадочный материал с закрытой корневой системой, который выращивается на крупных специализированных питомниках по интенсивным технологиям”². Выращивание саженцев ландшафтных и лесных деревьев, размножение интродуцированных саженцев деревьев является одним из важнейших направлений в области озеленения и имеет важное значение в предотвращении дефицита саженцев.

В настоящее время в озеленение широко применяется использование лесных и декоративных деревьев. Для обеспечения чистоты окружающей среды, экологии и эстетичным ландшафтом в странах мира увеличивается потребность в выращивании саженцев лесных и декоративных деревьев. В последние годы в ведущих странах мира, выращивающих саженцы липы мелколистной и березы повислой, особое внимание уделяют сокращению сроков выращивания посадочного материала за счет разработки и применения интенсивной агротехнологий в разных почвенных условиях. Уделяется внимание научным исследованиям по интенсивного развития посадочного материала липы и березы путем применения минеральных удобрений и при этом устранению проблемы дефицита саженцев в озеленении.

В нашей Республике озеленение имеет важное значение как, регулирующий микроклимат, кислородно-углеродный баланс местности, сохраняющий экосистемы, предотвращающий природные явления, доставляющий эстетическое удовольствие. В связи с этим в Республике необходимо увеличить производство посадочного материала лесных и декоративных деревьев, подготовить качественную и экспортную продукцию. «Лесной фонд Республики Узбекистан расширились до 11,9 млн га, его

¹ <https://news.un.org/ru/story>

² <https://www.belstu.by>; <http://earthpapers.net/>.

